

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.18.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚАҲҲОРОВ ОТАБЕК СИДДИҚОВИЧ

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА РАҚОБАТБАРДОШ
КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ БОШҚАРУВ МЕХАНИЗМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(Бухоро ва Навоий вилоятлари мисолида)**

**08.00.05 – Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти
08.00.13 – Менежмент**

**Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Қаҳҳоров Отабек Сиддиқович

Олий таълим тизимида рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг бошқарув механизмини такомиллаштириш (Бухоро ва Навоий вилоятлари мисолида) 3

Каххоров Отабек Сиддикович

Совершенствование механизма управления подготовкой конкурентоспособных кадров в системе высшего образования (на примере Бухарской и Навоийской областей) 37

Kakhkhorov Otabek Siddikovich

Improvement of the Management Mechanism for Training Competitive Personnel in the Higher Education System (on the example of Bukhara and Navoi regions) 71

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of publications 75

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.18.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚАҲҲОРОВ ОТАБЕК СИДДИҚОВИЧ

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА РАҚОБАТБАРДОШ
КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ БОШҚАРУВ МЕХАНИЗМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(Бухоро ва Навоий вилоятлари мисолида)**

**08.00.05 - Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти
08.00.13 – Менежмент**

**Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.DSc/Iqt200 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.sies.uz) ва «Ziyounet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Хамидов Обиджон Хафизович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ғуломов Саидахрор Саидахмедович
иқтисодиёт фанлари доктори, академик

Очиллов Акрам Одилевич
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Алимова Машхура Тоирхоновна
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ҳузуридаги DSc.03./30.12.2019.1.18.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «26» феврал соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 9-уй. Тел.: (99866) 233-73-68; факс: (998966) 233-73-66, e-mail: sies_info@edu.uz).

Диссертация билан Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (032-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 9-уй. Тел.: (99866) 233-34-76; e-mail: sies_info@edu.uz.

Диссертация автореферати 2021 йил «11» феврал да тарқатилди.

(2021 йил «11» 02 1-рақамли реестр баённомаси).



М.Э. Пулатов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, и.ф.д., профессор

Н.З. Ибадуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, и.ф.н., доцент

М.М. Мухаммедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида олий маълумотли малакали кадрларни тайёрлашга бўлган талаб миқдор ва сифат жиҳатдан ортиб бормоқда. Рақобат муҳитининг кескинлашуви жараёнида илмий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш, кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан ислоҳ қилишда илғор инновациялардан унумли фойдаланиш, замонавий билимларни иқтисодий ўсишнинг асосий омилига айлантириш масалаларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. «Билимларга асосланган иқтисодиётга ўтишда хизматлар соҳаси (шу жумладан, бошқарув) 85 фоизга қадар ўсади, олий маълумотли мутахассисларга бўлган эҳтиёж эса 90 фоиздан ортади. АҚШ олимлари тадқиқотларига кўра, олий маълумотли инсоннинг меҳнат унумдорлиги бундай маълумотга эга бўлмаган инсонга нисбатан 5 баравар юқори бўлади»¹. Олий таълим тизимини стратегик бошқариш механизмларини такомиллаштириш ва янгилаш, таълим сифатини ошириш йўллари ва концепцияларини ишлаб чиқиш, рақобатбардош ва етук кадрлар тайёрлашда дунё тажрибасидан фойдаланиш мазкур муаммонинг долзарблигини оширмоқда.

Жаҳон амалиётида таълим хизматлари бозорининг етакчи иштирокчилари ҳисобланган олий таълим муассасаларининг мамлакат тараққиёти ва жамият равнақига хизмат қилишини самарали бошқаришда бир қатор муаммоларнинг илмий ечимларини таъминлаш юзасидан мақсадли илмий-тадқиқот ишлари ташкил этилган. Бу соҳада олий таълим муассасаларининг рейтинги ва рақобатбардошлигини ошириш, олий таълим тизимида иқтисодиётнинг замонавий талаб ва эҳтиёжларига мувофиқ рақобатбардош кадрлар тайёрлаш ва уларни ишга йўналтиришни бошқаришга мажмуавий ёндашиш, таълим сифатини ошириш, жараёнларни оптимал бошқариш ва тартибга солишни такомиллаштириш, таълим жараёнига инвестициялар, инновациялар ва технологияларни жалб этиш каби масалалар алоҳида ўрганилмоқда. Лекин тадқиқотларда олий таълим салоҳияти ва инвестицион жозибадорлигини ошириш, таълим тизимини бошқаришда янги билимлар, стратегик бошқарув омиллари, мезонлари ва тамойилларини комплекс қўллаш ҳисобига стратегик бошқарув жараёни самарадорлигини ошириш масалалари етарлича очиб берилмаган.

Ўзбекистонда олий таълим тизимини бошқаришни жадал ривожлантиришга юқори даражада эътибор қаратилмоқда. Хусусан, «узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш, таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш, олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш

¹ Преображенский Б.Г. Система подготовки менеджеров для государственной службы: концепция развития <https://www.science-education.ru/ru/article/view?id=1126>

ҳамда хусусий тадбиркорлик соҳасига жалб этиш»² бўйича устувор вазифалар белгилаб берилган. Мазкур вазифаларнинг самарали ижроси олий таълим муассасаларида рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг стратегик бошқарув услубини, унинг бошқариш стратегиясини ишлаб чиқишни такомиллаштириш, олий таълим муассасалари рақобатбардошлигини, бошқариш самарадорлигини баҳолаш ҳамда соҳанинг истиқболдаги ривожланиш кўрсаткичлари прогнозини аниқлаш бўйича илмий таклиф ҳамда амалий тавсияларни ишлаб чиқишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрири 2020 йил), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон «Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон «Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сон «Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқлари иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг камровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³. Олий таълим тизимида рақобатбардош кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш ва

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони//Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари тўплами. –2017 йил.– 6-сон.

³ Barrow Lisa, Rouse Cecilia Elena. «Financial Incentives and Educational Investment: The Impact of Performance-Based Scholarships on Student Time Use» Working paper #32 education research section princeton university august <http://arks.princeton.edu/ark:/88435/dsp01rf55z7823>; Barrow Lisa, Markman Lisa, Rouse Cecilia Elena. «Technology's Edge: The Educational Benefits of Computer-Aided Instruction» WORKING paper # 27 princeton university education research section july 2008 <http://arks.princeton.edu/ark:/88435/dsp012v23vt42j>; Lavy Victor, Schlosser Анана. «Mechanisms and Impacts of Gender Peer Effects at School» Working paper #23princeton university education research section july 2007 <http://arks.princeton.edu/ark:/88435/dsp01ks65hc24r>; Florian Findler, Norma Schünherr, Rodrigo Lozano and Barbara Stacherl. «Assessing the Impacts of Higher Education Institutions on Sustainable Development-An Analysis of Tools and Indicators» Published: 22 December 2018. <https://www.mdpi.com/2071-1050/11/1/59/pdf>; Prof Ewan Ferlie. «The 'Steering' of Higher Education Systems: A Public Management Perspective»

бошқаруви бўйича илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Princeton University (АҚШ), London University (Буюк Британия), Oxford University (Буюк Британия), Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети (Россия), Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Ўзбекистон Миллий университети, Бухоро давлат университети, Самарқанд давлат университети, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти (Ўзбекистон) ва бошқа университетлар томонидан амалга оширилмоқда.

Жаҳонда олий таълим тизимида рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг бошқарувини такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишга оид тадқиқотлар натижасида қатор, шу жумладан, қуйидаги илмий ва амалий натижалар олинган: олий таълим тизимида рақобатбардош кадрлар сифатини ошириш ва бошқаруви бўйича молиявий-иқтисодий, ижтимоий баҳолаш механизми таклиф этилган (Bradford University, Буюк Британия); мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш истиқболлари асосида кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш ва бошқарув механизми такомиллаштирилган (Princeton University, АҚШ); интеллектуал капитал ва кадрлар инновацион салоҳиятига таъсир этувчи омиллар аниқланган ҳамда уларнинг таъсир доираси Европа Иттифоқининг агросаноат корхоналари мисолида баҳоланган (Wageningen University and Research Center, Нидерландия). Олий таълим муассасаларида ўқув, илмий-тадқиқот ва инновацион жараёнлар интеграциясини таъминлаш асосида рақобатбардош кадрлар тайёрлашни бошқариш услубиёти таклиф этилган (World Bank and UNDP) ва минтақалар даражасида аҳолининг олий таълим билан қамраб олинганлиги рейтинг баҳолаш услуби ишлаб чиқилган (Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети, Россия), шунингдек, олий таълим тизимини ривожлантириш методологияси инновацион омилларни киритиш асосида такомиллаштирилган (Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти, Ўзбекистон).

Жаҳон олий таълим тизимида рақобатбардош кадрлар тайёрлашни бошқариш бўйича, хусусан, қуйидаги устувор йўналишларда илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда: олий таълим муассасаларини мамлакатнинг илмий ва маданий марказларига айлантириш, олий таълимни интеграциялаш, олий таълим муассасалари фаолиятини бошқаришни рақамлаштириш, таълим

CPSO, School of Management, Royal Holloway University of London. <https://spire.sciencespo.fr/.../musselin-ferlie-sun-intro-book-j>; Paul Gibbs. «Using Data to Improve Higher Education» Global perspectives on higher education Volume 29.2014 Sense Publishers. Higher education worldwide is in a period of transition, affected by globalization, the advent of mass access, changing relationships between the university and the state, and the new technologies, among others. Global Perspectives on Higher Education provides cogent analysis and comparative perspectives on these and other central issues affecting postsecondary education worldwide. <https://www.sensepublishers.com/.../2148-using-data-to-impr.>; Жильцова С. «Образование как фактор конкурентоспособности стран БРИКС» финансовая жизнь. – Москва, 2016. – С.82-93.; Багаутдинова Н.Г. Высшая школа сегодня и завтра: пути преодоления кризиса. Монография. kpfu.ru/docs/F943458841/6_Vsholl.pdf.; Набиев Д.Х. Таълим соҳасидаги инвестицияларни молиялаштириш масалалари (Ўзбекистон ўрта-махсус, касб-хунар тизими мисолида): иқтисод фан. номз. дисс... автореф. – Тошкент: ТДИУ, 2005. – 24 б.; Эргашев А.О. Таълим тизимининг иқтисодий бошқарув асосларини такомиллаштириш (ўрта-махсус, касб-хунар тизими мисолида): иқтисод фан. номз. дисс... автореф. – Тошкент: ТДИУ, 2006. – 24 б.; Захидова Ш.Ш. Олий таълим хизматлари бозорининг амал қилиш механизми самарадорлигини ошириш (Ўзбекистон материаллари асосида): иқтисод фан. номз. дисс... автореф. – Тошкент: ЎзМУ, 2012. – 26 б.

жараёнларини инновацион ёндашувлар асосида такомиллаштириш, таълим сифати ва талабалар билимини замонавий усуллар асосида баҳолаш, олий таълим салоҳияти ва инвестицион жозибадорлигини ошириш, таълим тизимини бошқаришда янги билимлар, илмий ғоялар ҳамда замонавий инновацион технологиялар яратиш ва тижоратлаштириш, олий таълимни бошқаришни online тизими асосида амалга ошириш ва ривожлантириш, инсон капитали ҳажмини кўпайтириш ҳамда рақобатбардош кадрлар тайёрлашни бошқариш тизимини такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Олий таълим тизимида рақобатбардош кадрлар тайёрлашни стратегик бошқаришнинг илмий-назарий жиҳатлари кўплаб хорижий олимларнинг, жумладан, У.Сток, Дж.Зигфрид, А.Финеган, Л.Морин, Г.Петтерссон, П.Друкер, М.Мескон, М.Альберт, Ф.Хедоури, Т.Саати ва бошқаларнинг бошқарувга доир илмий-тадқиқот ишларида ёритилган⁴.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларидан В.И.Марцинкевич, И.В.Соболева, С.А.Дятлов, Н.П.Литвинова, В.В.Шереметова, Л.И.Якобсон, Т.И.Шамов, П.И.Третьяков, В.В.Глухов, А.В.Тебенкин, А.Н.Асаул, А.Н.Боева, Б.М.Капаров, М.В.Никитин⁵ каби олимларнинг илмий ишлари олий таълим тизимини стратегик бошқаришнинг услубий жиҳатларини такомиллаштириш масалалари илмий тадқиқига бағишланган.

М.Ш.Шарифхўжаев, Ё.А.Абдуллаев, С.С.Ғуломов, А.Н.Романов, Р.К.Алимов, В.С.Торопцов, Б.Ю.Ходиев, К.А.Алимов, Б.А.Бегалов, Д.Б.Григорович, Қ.Х.Абдурахмонов, М.Х.Саидов, Г.Н.Ахунова, А.Ш.Бекмуродов, Т.З.Тешабоев, Д.Х.Набиев, Ш.Э.Қурбонов, Э.А.Сейтхалилов, Ҳ.П.Абулқосимов, А.С.Кучаров, А.О.Очилов, А.Ш.Бекмуродов, А.Т.Юсупов, М.Э.Пўлатов, М.Қ.Пардаев, М.М.Муҳаммедов ва бошқа ўзбек олимларининг ишларида таълим хизматлари бозорини ривожлантириш масалаларининг айрим жиҳатлари ўрганилган⁶.

⁴ Stock, Wendy A., Siegfried, John J., and Finegan, –Т.: Aldrich (2011)»Completion Rates and Time-to-Degree in Economics Ph.D. Programs». American Economic Review Papers and Proceedings 101(3) (May): 176-188. Lewis, Maureen A, Gunilla Pettersson. (2009) Governance in Education: Raising Performance. Washington, DC: The World Bank.; Peter F. Drucker, «Anew Discipline», Success! January-February 1987. – P.18.; Мескон М., Альберт М., Хедоури Ф. Основы менеджмента // пер. Л. И. Евенко. – Москва: Дело, 1997. – 704 с.; Саати Т.Л. Принятие решений при зависимостях и обратных связях. Аналитические сети. – Москва: ЛКИ, 2008.

⁵ Марцинкевич В., Соболева И. Экономика человека. – Москва, 1995. – 47 с.; Дятлов С.А. Экономика образования в условиях переходного периода – СПб., 1995. – 186 с.; Литвинова Н., Шереметова В. Маркетинг образовательных услуг – СПб., 1993. – 320 с.; Якобсон Л.И. Экономические методы управления социально-культурной сферы – Москва, 1991. – 176 с.; Шамов Т., Третьков П.И. Управление образовательными системами – Москва, 2011. – 319с.; Глухов В. Экономика и организация управление вузом, СПб., 1999. – 447 с.; Тебенкин А.В. Методы принятия управленческих решений: учебник для бакалавров.– Москва: Юрайт, 2013. – 572с.; Асаул А. Н. Управление высшим учебным заведением в условиях инновационной экономики //А. Н. Асаул, Б. М. Капаров; под ред. д.э.н, проф. А.Н. Асаула. – СПб.: Гуманистика, 2007. – 280 с.; Никитин М.В. Модернизация управления развитием образовательных организаций. Монография. – Москва: Издательский центр – АПО., 2001. – 221с.; Боева А.Н. Оценка и пути повышения эффективности образовательной деятельности государственных высших учебных заведений: автореф. дис. ... канд. экон. наук . – Владивосток, 2011. – 23с.

⁶ Шарифхўжаев М.Ш., Абдуллаев Ё.А. – Менеджмент. Дарслик. – Тошкент: Ўқитувчи, 2000. – 701 б.; Ғуломов С.С., Романов А.Н., Алимов Р.К., Торопцов В.С., Ходиев Б.Ю., Алимов К.А., Бегалов Б.А., Григорович Д.Б. Дистанционное экономическое образование. – Тошкент: Шарқ, 2004. – 203 б.; Абдурахманов К.Х. и др. Современный менеджмент и реформирование системы образования в Узбекистане. – Тошкент, 2005.; Ходиев Б.Ю. Инновационная образовательная стратегия в условиях преодоления мирового финансово-экономического кризиса. – Тошкент: Экономика, 2009. – 89 с.; Саидов М.Х. Олий таълим менеджменти ва иқтисодиёти. –

Диссертацияни ёзиш жараёнида номлари кўрсатилган ва бошқа бир қатор ўзбек ҳамда жаҳон олимларининг илмий изланишлари эътиборга олинди. Тадқиқотда мазкур йўналишда бажарилган ишлардан фарқли равишда, Ўзбекистонда олий таълим тизимининг шаклланиши ва амал қилиш хусусиятлари, унинг жаҳондаги таълим тизимига интеграциялашувининг устувор йўналишлари, меҳнат бозори билан узвий боғлиқлигини кучайтириш, олий таълим муассасаларининг ҳудудий хусусиятларини эътиборга олиб, таълим сифатини ошириш ҳамда бошқарувини такомиллаштиришнинг назарий ва амалий жиҳатлари текширилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Бухоро давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ОТ-Ф1-04 «Рақобатбардош туристик ҳудуд ва кластерларни шакллантириш асосида Ўзбекистонда туризмни давлат миқёсида барқарор ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини ишлаб чиқиш» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади минтақа олий таълим муассасаларида рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг услубий жиҳатлари ҳамда бошқарув механизмининг такомиллаштириш бўйича таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

олий таълим тизимида рақобатбардош кадрлар тайёрлаш бошқарув механизмининг назарий-услубий асосларини тадқиқ этиш;

олий таълим тизимида рақобатбардош кадрлар тайёрлаш сифати ва самарадорлигини ошириш йўналишларини ишлаб чиқиш ва асослаш;

олий таълим муассасалари фаолиятининг жалб этувчанлигини комплекс баҳолашнинг такомиллашган услубиятини таклиф этиш;

олий таълим тизимида рақобатбардошликни таъминлаш механизмининг такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

Тошкент: Молия, 2002. – 169 б.; Ахунова Г. Ўзбекистонда таълим хизматлари маркетинги муаммолари. Монография. – Тошкент, 2005.– 244 б.; Бекмуродов А.Ш. Информационно-ресурсное обеспечение высшего экономического образования: методика, содержание и техническое обеспечение. – Тошкент: Экономика, 2009. – 205 б.; Тешабоев Т.З. Олий ўқув юртларида инновацион фаолиятни такомиллаштириш йўллари. – Тошкент: Фан ва технология, 2007. – 129 б.; Набиев Д.Х. Совершенствование управления маркетингом образовательных услуг в условиях модернизации экономики. Автореф. ... докт. эконом. наук.– Ташкент, 2009. – 48 с.; Курбонов Ш.Э, Сейтхалилов Э.А. Таълим тизимини бошқариш. – Тошкент: Турон-Иқбол, 2006. – 592 б.; Абулқосимов Ҳ.П. Шаклланаётган бозор иқтисодиётида инсон омили ва уни фаоллаштириш йўллари. – Тошкент, 2005.; Кучаров А.С. Таълимда тадбиркор кадрларни тайёрлаш. – Тошкент, 2005. – 169 б.; Очилов А.О. Юқори малакали кадрлар тайёрлашни бошқариш самарадорлигини ошириш: иқт. фан докт. дисс... – Тошкент, 2019. – 244 б.; Бекмуродов А.Ш. Интерактивное обучение и информатизация образования – важнейшее условие для выпуска профессиональных и компетентных кадров // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. – 2011. – 12 б.; Юсупов А.Т. Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестацияси: методологик-услубий, норматив-ҳуқуқий ва илмий-ташқилий йўналишлари. – Тошкент, 2013. – 648 б.; Пўлатов М.Э. Интеллектуал капитал ҳисоби ва таҳлили: назария ва амалиёт масалалари. Монография. – Тошкент: Иқтисодиёт, 2012. –166 б.; Пардаев М.Қ. Инновацион иқтисодиётни ривожлантиришнинг мамлакатимиз келажагини таъминлашдаги ўрни // ҚарДУ хабарлари. – Қарши, 2020. – №1. –Б. 187-191.; Муҳаммедов М.М. Хорижий инвестицияларни мамлакатимиз иқтисодиётига жалб этишнинг фаоллаштириш йўллари // Интернаука: Электрон журнал. 2017. – № 19(19) ва б.

олий таълим муассасалари битирувчиларининг ишга жойлашиши ва уларнинг иқтисодиётга таъсирини баҳолаш йўналишларини аниқлаш услубиётини ишлаб чиқиш;

SWOT-таҳлили асосида ОТМларини бошқариш самарадорлиги, кадрлар рақобатбардошлигини ошириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

минтақавий олий таълим бозорида рақобатчи муассасалар самарадорлигини қиёсий таҳлил қилиш мақсадида олий таълим муассасалари бошқаруви самарадорлигини кўрсаткичлар тизими асосида комплекс баҳолаш услубиётини ишлаб чиқиш;

рақобатбардошлик мезонлари ва кўрсаткичларини қўллаш ҳисобига ОТМларда бошқарув самарадорлигини баҳолашнинг услубий жиҳатларини такомиллаштириш;

минтақавий таълим бозорида рақобатбардошликни баҳолаш, мониторинг қилиш, ташкилий-иқтисодий чора-тадбирларни амалга ошириш ҳисобига ОТМ рақобатбардошлигини таъминлаш механизминини ишлаб чиқиш;

стратегик бошқарув омиллари, мезонлари ва тамойилларини комплекс қўллаш ҳисобига ОТМлар стратегик бошқарув жараёни самарадорлигини баҳолаш;

олий таълим хизматлари бозорида рақобатчи муассасалар фаолияти самарадорлигини баҳолаш натижаларини таҳлил қилиш ва такомиллашган комплекс баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти Бухоро ва Навоий вилоятларида фаолият кўрсатаётган олий таълим муассасалари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предметини олий таълим тизимида рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг бошқарув механизминини такомиллаштириш жараёнида юзага келадиган ташкилий-иқтисодий муносабатлар мажмуи ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда умумлаштириш, кўп омилли ва динамик таққослаш, статистика ва иқтисодий таҳлил усуллари, SWOT-таҳлил, мантиқий ва қиёсий таҳлил, иқтисодий-статистик моделлаштириш каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

олий таълим муассасаларида рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг стратегик бошқаруви таълим хизматлари ва меҳнат бозоридаги таълим муассасасининг бозор субъекти сифатидаги ҳамда фаолият маҳсулоти қийматларини яратишга йўналтирилган ҳамкорлик муносабатларини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилган;

рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг бошқариш стратегиясини ишлаб чиқиш олий таълим бозорида рақобат муҳити, рақобат мавқеи, таълим хизматлари рақобатбардошлиги ва битирувчилар рақобатбардошлигининг ўзаро мувофиқлигини таъминлаш асосида такомиллаштирилган;

олий таълим муассасаларида мақсадли барқарор рақобатли устунликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш стратегияси маркетинг тизими элементларини доимий қайта кўриб чиқишга интилишда намоён бўладиган бозор позициясини киритиш орқали такомиллаштирилган;

олий таълим хизматлари бозорида рақобатбардошликни оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизми олий таълим миқёсидаги умумий ҳамда ҳар бир кадр фаолияти кесимидаги индивидуал-аниқлаштирилган даражаларда табақалаштирилган стратегик режалаштириш асосида такомиллаштирилган;

Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчилари рақобатбардошлиги ҳамда ишга жойлашиш сонининг 2025 йилга қадар прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

олий таълим муассасаларида рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг баҳолаш услуби такомиллаштирилган;

олий таълим муассасаларида бошқарув самарадорлигини комплекс баҳолаш ва рақобатбардошлик кўрсаткичларини тизимли таҳлил қилиш мақсадида интеграл баҳолаш методикаси такомиллаштирилган;

ички ва ташқи омилларни ҳисобга олган ҳолда олий таълим хизматлари бозорида рақобатбардошликни оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари баҳоланган;

умумлаштирувчи кўрсаткичлар, интеграциялашган қийматлар ҳисобига минтақавий олий таълим хизматлари бозорида бошқарув самарадорлиги ва сифатини баҳолаш методикаси такомиллаштирилган;

олий таълим муассасаларини стратегик бошқарув жараёнларини такомиллаштириш мақсадида кўп мезонли комплекс баҳолаш услубиёти таклиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашувлар ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, назарий ғоялар ва маълумотлар расмий манбалардан олинганлиги, берилган илмий-назарий таклиф ва тавсиялар амалда синовдан ўтказилганлиги, ишлаб чиқилган иқтисодий-математик ва эконометрик моделлар амалиётга жорий этилганлиги ҳамда натижалар давлат органлари томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олий таълим тизимида рақобатбардош кадрлар тайёрлаш стратегиясини ишлаб чиқиш, стратегик бошқарув жараёни самарадорлигини ошириш ҳамда бошқарув механизмини такомиллаштириш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш жараёнини самарали ташкил этиш чоратadbирларини ҳамда мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш жараёнларида қўлланилиши билан боғлиқ илмий хулосалардан иқтисодиёт ва менежмент йўналишларидаги тадқиқотларда назарий манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий таълим тизимида рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг бошқарув усуллари, тамойиллари, мезонлари ва механизми бўйича олинган назарий ва методологик ёндашувлар ҳамда таҳлилий ахборотлардан олий ўқув муассасаларининг иқтисодиёт йўналиши талабларига «Менежмент», «Стратегик менежмент», «Хизматлар соҳаси иқтисодиёти», «Корпоратив бошқарув» ва бошқа фанлардан ўқув-услубий материалларни тайёрлашда илмий-услубий манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Олий таълим тизимида рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг бошқарув механизмини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

олий таълим муассасаларида рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг стратегик бошқарув услуби таълим хизматлари ва меҳнат бозоридаги узоқ муддатли, ўзаро манфаатли ҳамда қиймат яратишга йўналтирилган ҳамкорлик муносабатларини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш бўйича таклифидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармонини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 14 августдаги 84-02/1367-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида олий таълим муассасаларида рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг интеграл баҳолаш услуби такомиллаштирилган;

олий таълим муассасаларининг барқарор ривожланишини таъминлаш учун рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг бошқариш стратегиясини ишлаб чиқиш мақсадида олий таълим бозорида рақобат муҳити, рақобат мавқеи, таълим хизматлари рақобатбардошлиги ва битирувчилар рақобатбардошлигини таъминлайдиган мезонлар таснифини ишлаб чиқиш бўйича берилган таклифлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги 467-сон «Олий таълим муассасалари рейтингини аниқлаш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 14 августдаги 84-02/1367-сон маълумотномаси). Ушбу янгиликлар натижасида ОТМларнинг самарадорлик кўрсаткичларини баҳолаш тизимини ўқув жараёнларининг сифатини ошириш билан боғлиқ ҳолда такомиллаштириш, улар асосида рақобатбардошлик даражасини аниқлаш ва унинг динамикасини таҳлил қилиш имкониятлари кенгайтирилган;

олий таълим муассасалари рақобатбардошлигини таъминлаш услубини ҳар бир таълим муассасаси фаолияти кесимида қиёсий таққослаш, самарадорлигини баҳолаш, рақобатбардош устунликларни яратиш, қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш ҳисобига такомиллаштириш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июлдаги ПҚ-3855-сон «Илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 декабрдаги 979-сон «Илмий ва илмий-техник фаолиятнинг истиқболли ютуқларини жорий қилишнинг самарали механизмларини татбиқ этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2020 йилнинг 18 августдаги 03-10/3091/1-сон маълумотномаси). Мазкур таклифни қўллаш натижасида олий таълим муассасаларининг рақобатбардошлигини ошириш, илмий-инновацион фаолиятини ривожлантириш имкониятлари ҳамда рақобатбардошлигини бошқариш ва унинг самарадорлигини баҳолаш имкониятлари кенгайган;

олий таълим хизматлари бозорида рақобатбардошликни оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмини олий таълим миқёсидаги умумий ҳамда ҳар бир кадр фаолияти кесимидаги индивидуал-аниқлаштирилган даражаларда табақалаштирилган стратегик режалаштириш асосида такомиллаштириш таклифи 5230200 – «Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича)» йўналиши талабалари учун тавсия этилган «Менежмент» фани бўйича дарсликка сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 29 декабрдаги 1186-сон буйруғи билан тасдиқланган рўйхатга олиш рақами 1186-125 гувоҳнома). Бунинг натижасида минтақавий таълим бозорида олий таълим муассасалари рақобатбардошлигини баҳоловчи услубий ёндашувлари, рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг бошқарув самарадорлигини таҳлил қилиш ва унинг даражасидаги ўзгариш динамикасини комплекс баҳолаш назарияси яратилган ҳамда таълим сифатини оширишга хизмат қилган;

Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчилари рақобатбардошлиги ҳамда ишга жойлашиш сонининг 2025 йилга қадар прогноз кўрсаткичлари ҳамда кўп мезонли баҳолаш услубиётидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 майдаги ПҚ-3698-сон «Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2020 йилнинг 18 августдаги 03-10/3091/1-сон маълумотномаси). Мазкур таклифни қўллаш натижасида олий таълим муассасаларининг бошқарув қарорларини қабул қилиш, рақобат муҳитини кучайишини ва стратегик бошқарув механизми ва самарадорлигини миқдор ҳамда сифат жиҳатидан баҳолаш имкониятларини кенгайтирган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3та халқаро ва 8та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 52 та илмий иш, жумладан, 1 та дарслик, 1 та ўқув қўлланма, 2 та монография, 2 та методик қўлланма, 1 та рисола, илмий журналларда 34 та, шундан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган республика илмий журналларда 27 та, хорижий нашрларда 7 та мақола нашр этилган. Шунингдек, 2 та муаллифлик гувоҳномаси ҳамда мавзу доирасида эълон қилинган муайян ишлар учун гувоҳнома олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган бўлиб, ҳажми 244 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган илмий тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Олий таълим тизимини стратегик бошқаришнинг назарий-услубий асослари»** деб номланиб, унда олий таълим тизимини бошқаришнинг назарий асослари, таълим соҳасида мамлакатимиз ва унинг ҳудудларида амалга оширилаётган ислохотлар, уларга таъсир қилувчи омиллар ҳамда муаммолар ва уларнинг ечимлари ёритиб берилган.

Таълим ўзига хос соҳа бўлиб, у икки ёқлама тавсифга эга. Бир тарафдан, у халқнинг маънавий ва маданий эҳтиёжларини қондиришда бевосита иштирок этса, иккинчи тарафдан эса, таълим хизматларини кўрсатиш орқали меҳнат бозорига малакали ишчи кучи етказиб берувчи соҳа ҳисобланади.

Таълим хизматлари бозори – миллий бозорнинг муҳим элементиدير. Бу ҳолат унинг шаклланиш ва фаолият кўрсатиш қонуниятларини ўрганишни шарт қилиб қўяди. Ҳозирги даврда таълимни ташкил этишнинг анъанавий ва янги қарашлари ишлаб чиқилган. Уларнинг таълим жараёни таркибий қисмлари бўйича қиёсий таҳлили, биринчидан, улар ўртасида принципиал фарқлар мавжудлиги, иккинчидан, ҳозирги даврда таълимда янги қарашларни шакллантириш долзарб масала эканлигини кўрсатади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, энг аввало, олий таълим муассасалари ташқи муҳитга мослашувчанликни таъминлай олиши лозим. Шу боисдан ҳам олий таълим муассасаларида бошқаришнинг доимий макро муҳитдаги ўзгаришлар ва улар билан боғлиқ ноаниқликлар туғилган шароитда мослашувчанликнинг замонавий воситаси бўлиб, менежмент хизмат қилади.

Республикада таълим хизматлари бозорида амалга оширилаётган туб ислохотлар олий таълим муассасалари фаолиятини ташкил этишда янги имконият яратиб бермоқда. Шунинг учун республикада фаолият олиб бораётган олий таълим муассасалари, айниқса, хорижий олий таълим муассасалари бошқарувида эришилган муваффақиятларни ўзлаштиришлари, бошқарувнинг замонавий усул ва шакллари қўллашлари муваффақиятга эришишларида асосий омил ҳисобланади.

Ушбу жараёнда ҳар бир ОТМнинг ихтисослашув ва миллийлик хусусияти ҳисобга олиниши лозим. Хусусан, ташқи муҳит нобарқарорлиги даражасидаги ҳар хиллик бошқаришнинг бирорта муқобил концепциясига мос келади. Ички муҳитда олий таълим муассасалари у ёки бу бошқарув концепциясини амалга оширишга тайёр турмоғи лозим. Масалан, замонавий менежмент концепциясини эгаллаш оддий расмий жараён эмас, балки олий таълим муассасалари ривожланишининг навбатдаги муҳим босқичидир. Шу боисдан Ўзбекистондаги олий таълим муассасаларининг ҳолати ва хусусиятини

баҳолашга ҳаракат қилиб, олий таълим муассасалари фаолиятига замонавий менежмент тамойилларини жорий қилиш зарур.

Таълим менежменти масалаларига бағишланган кўплаб хорижий ва маҳаллий тадқиқотларни ўрганиш натижаларига таяниб, унинг барча томонларини тавсифлайдиган олий таълим тизимида менежментнинг комплекс тавсифини қуйидагича бериш мумкин (1-жадвал):

1-жадвал

Олий таълим тизимида менежментнинг комплекс тавсифлари⁷

Қараб чиқиладиган соҳа	Стратегик бошқаришнинг ушбу соҳаси тавсифи
Бошқариш мўлжалли	узоқ келажакда муассасанинг яшаб қолиш (ҳаётийлик цикли) мўлжалли ва мақсадга эришиши; менежментнинг олий таълим муассасалари ташқарисидаги имконияти, мижозлар (олий таълим муассасалари фаолияти билан қизиқувчилар) сўровига асосий эътибор қаратиши; замонавий бошқарувга асосланган олий таълим муассасалари ғояларини сақлаб қолган ҳолда раҳбариятга вазифанинг мақсади ва воситаларини танлашни таклиф этиши.
Стратегия моҳияти ва мазмуни	муассаса ривожланишининг танланган узоқ муддатли сифатли йўналиши; йўналишларни танлаш, фойдаланиш воситалари, салоҳият ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда мақсадга эришиш фаолияти; олий таълим муассасалари қайси соҳада фаолият юритаётганлиги ёки юритмоқчи эканлигини аниқлаш учун асосий мақсадлар, йўналишлар, муҳим режалар ёки дастурларни танлаш
Амалга ошириш жараёни	муассаса олдига қўйган мақсадга эришиш ва стратегияни амалга ошириш учун асос яратади. Бунда муассасанинг стратегияни амалиётга татбиқ этишга тайёр ҳолдаги фаолиятида замонавий ўзгаришлар қилишни ташкил этишдир.
Бошқариш самарадорлиги мезони	олий таълим муассасаларининг ташқи муҳитдаги ўзгаришларга самарали мослашишидаги имкониятлар
Ходимларни бошқаришга ёндашув	ишловчиларга ишни ташкил этишнинг асоси сифатида қараш
Бошқариш объекти ўзгариши тавсифи	замонавий қарор асосида узоқ муддатли ва тузатиб бўлмайдиган асоратларни ўз ичига олган объект фаолиятини тўғри йўлга қўйиш учун олиб бориладиган ишлар энг муҳим аҳамият касб этади
Ташқи муҳит шарти	юқори ноаниқлик даражасини тавсиф этади
Стратегик қарорлар кўлами	олий таълим муассасалари стратегияси асосида ётадиган қарор таълим хизматлари базаси, салоҳияти, хизмат кўрсатиш салоҳиятлари ривожланишига тааллуқлидир

Ушбу муҳим вазифаларни бажариш учун бошқариш объекти ташқи таъсирларни, таваккалчиликларни ҳисобга олиши, ташқи муҳитдаги нобарқарор ҳолат келтириб чиқарадиган ҳар қандай ўзгаришга мос ҳаракат қилишга тайёр турмоғи лозим.

⁷ Муаллиф ишланмаси

Стратегик бошқарув келтириб чиқарадиган муассасалар фаолияти нуқтаи назаридан ўзгаришлар узок муддатни қамраб олиш тавсифига эга. Ушбу жараёнда олий таълим муассасалари имкониятлари бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтади, қобилияти маълум бир доирадаги масалаларни ечишга қаратилади, яъни унинг салоҳияти ўзгариши рўй беради. Бошқача айтганда, стратегия ОТМлар ривожланишининг йўналиши ва мазмунини белгилаб беради.

Фикримизча, таълим тизимида рақобатбардош кадрларни тайёрлашнинг бошқарув самарадорлиги – бу бошқарувнинг мақсад ва натижаларидан келиб чиқиб, уларни ўзаро таққослаган ҳолда, бошқарув жараёнининг самарадорлик сифатини белгилайди. Бунда тайёрланаётган кадрларнинг рақобатбардошлиги ҳамда интеллектуал салоҳияти ошганлигини инобатга олиш лозим.

Демак, замонавий бошқарув олий таълим муассасалари имкониятларининг етарли даражада сифатини аниқлаб берадиган омиллар билан мустаҳкам боғланган бўлади. Аниқ бир хизмат кўрсатиш учун бу каби омилларни аниқлаш ва ўрганиш турли соҳаларда фаолият юритадиган муассасаларни замонавий бошқаришнинг предмет-мазмун жихатидан аниқлаш имконини яратади, ривожланиш йўналишини таҳлил қилиш ва самаралисини танлашни шарт қилиб кўяди, ривожланиш мақсади ва вазифаларини белгилаб олган ҳолда муқобил стратегия вариантини танлашга имкон беради.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Минтақада олий таълим тизимини стратегик бошқариш ва уни ривожлантириш хусусиятлари**» деб номланиб, унда олий таълим муассасаларини инновация асосида бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари, олий таълим муассасалари стратегик бошқарувини қўллашнинг ўзига хос йўналишлари ва минтақалар олий таълим муассасалари бошқарувининг асосий йўналишлари ёритиб берилган.

2019 йилда Республикамиздаги олий таълим муассасалари сони 77 тадан 110 тага етди, улардан 19 тасини хорижий олий таълим муассасаларининг филиаллари ташкил этади. Сўнгги икки йилда 12 та хорижий олий таълим муассасаси филиаллари (АҚШ – 1, Россия – 5, Жанубий Корея – 3, Латвия – 1, Ҳиндистон – 2) фаолияти йўлга қўйилди. Биргина 2018/2019 ўқув йилида 20 та олий таълим муассасасида 10 та хорижий давлатнинг етакчи олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда 33 та таълим йўналиши ва 14 та мутахассислик бўйича қўшма таълим дастури асосида кадрлар тайёрлаш бошланди⁸.

Бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси ва унинг ҳудудларида фаолият кўрсатаётган олий таълим муассасалари самарадорлигини, унинг самарали бошқарувини янада такомиллаштиришни тақозо этади. Чунки мамлакатда аҳолининг олий маълумот олишга бўлган эҳтиёжи, келгусида етук мутахассис бўлиши ва, энг асосийси, кадрлар рақобатбардошлиги олий таълим муассасаларининг самарали бошқаруви асосида таъминланади.

Таҳлил натижаларига кўра, 2019 йилда 2000 йилга нисбатан Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларининг бакалавриятига қабул қилинганлар сони

⁸ Олий таълим соҳаси вакилларининг Ўзбекистон халқига мурожаати. 17.07.2019 й. <http://uza.uz/oz/society/oliy-talim-so-asi-vakillarining-zbekiston-khal-iga-murozhaat-17-07-2019>.

2,8 мартага ўсиб, 120400 нафарга етган, таълим муассасаларини битирган мутахассислар 2,1 мартага ошиб 67173 нафарни ташкил этди.

Олий таълим муассасаларининг самарадорлигини ва самарали фаолиятини аниқлашда ушбу таълим муассасалари битирувчиларининг ишга жойлашиши пировард натижа бўлиб, 2019 йилда 2000 йилга нисбатан уларнинг сони 1,4 мартага ошиб 56.960 нафарга етди. Зеро, бу, ўз навбатида, жами битирувчиларнинг 84,8 фоизини қамраб олганлигини англатади (2-жадвал).

2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари⁹

Т.р.	Кўрсаткичлар	2000	2005	2010	2015	2019	2019 йилда 2000 йилга нисбатан ўзгариши, марта
1.	ОТМларининг бакалавриятига қабул қилинганлар, киши	41907	54170	58577	58301	120400	2,8
2.	ОТМларини битирган мутахассислар, киши	31568	57845	76379	66290	67173	2,1
3.	Фаол соҳа ва ташкилотларнинг сони (деҳқон хўжалик-лари ва фермер хўжалик-ларисиз), минг нафар	108,3	136,5	201,0	246,7	323,5	2,9
4.	ОТМлари битирувчиларининг ишга жойлашиши (ишга йўл-ланма олганлар ва мустақил ишга жойлашганлар биргалликда келтирилган)	40270	48565	57011	52272	56960	1,4
5.	ОТМлари ўқитувчилари сони, киши	18432	23070	23021	24909	27947	1,5

Республикада 2018/2019 ўқув йили бошига 360,2 минг нафар талаба таҳсил олмоқда, улардан 159,4 минг нафарини хотин-қизлар ташкил қилади. Олий ўқув юртларида таҳсил олаётган талабаларнинг 22,1 фоизи давлат грантлари асосида, 77,9 фоизи тўлов-шартнома асосида таълим олишмоқда.

Табиийки, бу Ўзбекистон Республикаси ва унинг ҳудудларида фаолият кўрсатаётган олий таълим муассасалари самарадорлигини ошириш унинг самарали бошқарувини янада такомиллаштиришни талаб этади.

Бухоро вилояти олий таълим муассасаларининг бакалаврият таълим йўналишига қабул қилинганлар 2019 йилда 2000 йилга нисбатан 2,9 баробар ошиб 8208 кишига етди. Бу, ўз навбатида, ушбу таълим муассасалари битирувчилари сонини ҳам мос равишда 2,5 фоизга ўсиб 3459 кишига етишини таъминлади (3-жадвал).

⁹ Мазкур жадвал Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Бухоро вилояти олий таълим муассасалари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари динамикаси¹⁰

Т.р.	Кўрсаткичлар	2000	2005	2010	2015	2019	2019 йилда 2000 йилга нисбатан ўзгариши, марта
1.	ОТМларининг бакалавриатига қабул қилинганлар сони, киши	2782	3042	3240	3134	8208	2,9
2.	ОТМларини битирган мутахассислар сони, киши	1381	2628	4417	3357	3459	2,5
3.	Фаол соҳа ва ташкилотларнинг сони (деҳқон хўжаликлари ва фермер хўжаликларисиз), минг киши	5,7	8,5	12,4	12,1	18,1	3,1
4.	ОТМлари битирувчиларидан ишга жойлашганлар сони (ишга йўлланма олганлар ва мустақил ишга жойлашганлар биргаликда келтирилган), киши	629	1506	3625	2784	3399	5,4
5.	ОТМлари ўқитувчилари сони (ўқув йили бошида), киши	894	1188	1254	1186	1615	1,8

ОТМларига қабул квоталарининг ошиши уларга самарали таълим бериш шарт-шароитлари билан таъминланишни тақозо этади. Бу борада, биринчи навбатда, профессор-ўқитувчилар сонига эътибор қаратилиб, Бухоро вилояти олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари сонини 2019 йилда 2000 йилга нисбатан 1,8 баробарга оширилиши 1615 нафарга ўзгаришига олиб келди. Таҳлилларга кўра, 2019 йилда вилоят ОТМларининг битирувчилар сонига нисбатан 93,8 фоизи, яъни 3399 нафари ишга жойлашган.

Худудлар ОТМлари самарадорлигини аниқлашда таққослама усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлиб, бунинг учун Навоий вилояти олий таълим муассасалари фаолияти ҳам таҳлил этилган (4-жадвал).

Таҳлил натижаларига кўра, Навоий вилояти ОТМларининг бакалавриат таълим йўналишларига қабул қилинганлар сони 2019 йилда 2000 йилга нисбатан 6,6 баробар (3990 нафар)га ва олий таълим муассасаларини битирган талабалар сони 2019 йилда 2000 йилга нисбатан 2,4 баробар (2339 нафар)га ошган. Бу битирувчиларнинг 2000 йилда битирувчиларга нисбатан 69,2 фоизи ишга жойлашган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 3,2 фоиз ошиб, 72,4 фоизга етди.

¹⁰ Жадвал Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.


Навоий вилояти олий таълим муассасалари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари динамикаси¹¹

Т.р.	Кўрсаткичлар	2000	2005	2010	2015	2019	2019 йилда 2000 йилга нисбатан ўзгариши, марта
1.	ОТМларининг бакалавриятига қабул қилинганлар сони, киши	600	1822	2009	1977	3990	6,6
2.	ОТМларини битирган мутахассислар сони, киши	956	1779	3088	2166	2339	2,4
3.	Фаол соҳа ва ташкилотларнинг сони (деҳқон хўжаликлари ва фермер хўжаликларисиз), минг киши	3,2	4,3	7,0	8,1	11,2	3,5
4.	ОТМлари битирувчиларидан ишга жойлашганлар сони (ишга йўланма олганлар ва мустақил ишга жойлашганлар биргаликда келтирилган), киши	415	1227	2222	1631	1693	4,0
5.	ОТМлари ўқитувчилари сони (ўқув йили бошида), киши	365	480	626	669	673	1,8

Ҳозирги шароитда ОТМлари таълим хизматлари бозорида рақобат позицияларининг барқарорлиги унинг меҳнат бозори талабларини ҳисобга олган ҳолда қўшимча ваколатларни фаол ривожлантириш қобилияти нафақат битирувчининг асосий ваколатларини қўллаб-қувватлаши, балки барча битирувчилар ва талабаларнинг ишончли ва узоқ муддатли интеллектуаллиги ва мослашувчанлигини таъминлаш мақсадига ҳам таянилади, бунда эришилган натижалар мазкур бозор талаблари билан характерланади.

Тадқиқотда ОТМнинг жалб этувчанлигини комплекс баҳолаш услубияти таклиф этилган бўлиб, унда ОТМ жалб этувчанлигининг бошланғич кўрсаткичларини аниқлаш, таълим муассасаси фаолиятининг асосий йўналишларини ажратиб кўрсатиш, ОТМ жалб этувчанлигининг комплекс кўрсаткичларини ҳисоблаш, жалб этувчанлик эталон комплекс кўрсаткичини ҳисоблаш, ОТМ фаолиятида кучли ва кучсиз томонларни ажратиб кўрсатиш илмий тадқиқ этилган (1-расм).

¹¹ Жадвал Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.



1-расм. ОТМнинг жалб этувчанлигини комплексли баҳолаш услубияти¹²

Диссертация ишида таълим хизматлари бозорида ОТМ жалб этувчанлигини комплекс баҳолашнинг олинган қийматлари қуйидаги хулосаларга келиш имконини берди:

ОТМлари жалб этувчанлик даражасининг пастлиги мутахассислар чиқаришни меҳнат бозори талабларига мос келмаган ҳолда амалга ошириш ҳисобига юзага келади;

тижорат асосида талабалikka қабул қилишнинг ортиши таълим муассасалари учун ҳар қандай тижорат таркиби сингари пул ишлаш имкониятига айланади, шу сабабли баъзи ҳолларда талабаларнинг ўқув жараёнига пассив муносабати кузатилади;

¹² Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

ОТМлари аҳолининг сўровларига жавоб беришда янада мослашувчан бўлиб, улар аста-секин корхона ва ташкилотларда пулли таълим хизматларини амалга оширишга қўшилмоқда;

молиявий барқарорлик олий таълим муассасаларида ўзининг моддий-техник базасини яхшилаш имкониятини таъминлайди;

таълим хизматлари нафақат мослашувчан нархни шакллантириш тизими туфайли, балки ўқитишнинг юқори даражаси ва замонавий технологиялардан кенг ва самарали фойдаланиш туфайли ҳам очик ва жалб этувчан бўлиб қолади.

Тадқиқотда таклиф этилган таълим хизматлари бозорида ОТМнинг жалб этувчанлигини баҳолаш услубияти ОТМни ривожлантиришнинг умумий стратегиясини ишлаб чиқиш ва, умуман, таълим тизимининг камчиликлари ва ютуқларига, шунингдек, унинг фаолияти айрим қисмларига эътиборни жалб этиш имкониятини беради.

Диссертациянинг учинчи боби **«Олий таълим тизими билан меҳнат бозорининг ўзаро алоқалари ва уларни стратегик бошқариш механизмлари»** деб номланиб, унда ОТМларида хизматлар бозори ва унинг статистик тавсифи, ОТМларининг рақобатбардошлик асосида ривожланиши ва уларнинг маркетинг фаолияти, ОТМларида бошқарув ва унинг самарадорлиги ёритиб берилган.

Бозор муносабатларининг ривожланиши ва шу билан боғлиқ равишда олий таълим бозорида рақобатнинг кучайиши, ОТМлари олдида назарий ва амалий аппаратларни бир қатор йўналишлар бўйича келишилган ҳолда қўллаш асосида ҳал этилиши лозим бўлган ўз рақобатбардошлигини таъминлаш масалаларини кўяди:

ОТМ фаолияти маҳсулотлари потенциал истеъмолчиларининг эҳтиёжлари ва сўровларини ўрганиш;

зарур маълумотларни тўплаш мақсадида олий таълим бозори мониторингини ташкил қилиш;

умумлаштирилган модель лойиҳасини ишлаш ва рақобатдошликни таъминлаш механизминини ишлаб чиқиш;

ОТМни ривожлантиришнинг асосий мақсади сифатида ОТМ рақобатдошлигини оширишга йўналтирилган замонга мос тўғри бошқарув жараёнини йўлга қўйиш;

баҳолаш кўрсаткичлари умумий тизимини шакллантириш, улар асосида рақобатбардошлик даражасини аниқлаш ва унинг динамикасини таҳлил қилиш;

рақобатбардошликни миқдорий баҳолашга умумий ёндашувлар йиғиндисини аниқлаш, у билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишнинг хусусий усуллари, алгоритмлари ва тартиб-қоидаларини ишлаб чиқиш.

Юқоридаги жиҳатлардан келиб чиқиб, ОТМнинг рақобатбардошлик мезонлари баҳоланди (5-жадвал).

Тадқиқот ишида истиқболда ОТМлари барқарор фаолият юритиши ва барқарор ривожланиши узлуксизлигига эришиш учун муваффақият гарови сифатида улардаги барча ички элементлар фаолиятини мувофиқлаштириш, улар ўртасидаги алоқаларни оптималлаштириш ва рационаллаштириш, шунингдек, ташқи муҳит билан оптимал муносабатлар излаб топишга мос

келувчи тизим сифатида рақобатбардошликни таъминлаш жараёнини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ деб топилган.

5-жадвал

Олий таълим муассасалари рақобатбардошлик мезонлари ва кўрсаткичлари¹³

Рақобатбардошлик мезонлари	Рақобатбардошликни тавсифловчи кўрсаткичлар
Олий таълим бозорида рақобат муҳити	Минтақанинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти: - ижтимоий-демографик муҳит; - иқтисодий-технологик муҳит; - норматив-ҳуқуқий муҳит.
	Олий таълим бозорида ОТМ муваффақиятлари: - ОТМ рейтинги; - ОТМ эгаллаб турган бозор улуши.
ОТМнинг рақобат мавқеи	ОТМнинг ишбилармонлик нуфузи: - кўп поғонали тайёргарлик тизими ривожланганлиги; - ўқитиш жараёнининг сифати; - профессор-ўқитувчилар таркиби сифати; - ресурслар таъминоти сифати; - илмий-тадқиқотчилик фаолияти ривожланганлиги.
	ОТМ фаолиятини ижтимоий баҳолаш: - ОТМ ижтимоий фаоллиги; - ОТМ фаолиятининг жамиятда тан олинishi.
Таълим хизматлари рақобатбардошлиги	Таълим хизматлари сифати: - таълим хизматлари истеъмолчиси сифати; - таълим хизматлари ишлаб чиқарувчиси сифати.
	Таълим хизматларини тақдим этиш жараёнининг ташкилий таъминоти.
	Таълим хизматларининг очиқлиги.
Битирувчилар рақобатбардошлиги	Ихтисослик рақобатбардошлиги: - ОТМда олинган ихтисосликнинг ижтимоий мавқеи; - ОТМда олинган ихтисосликнинг муҳимлиги.
	Битирувчилар касбий тайёргарлик рақобатбардошлиги: - касбий фаолият йўналишларини танлашда имкониятлар доираси; - касбий ваколатларни шакллантиришни таъминлайдиган битирувчилар шахсиятининг сифати; - битирувчиларнинг касбий таёргарлик сифати; - битирувчилар эҳтиёжлари ва сўровларини қондиришнинг тўлақонлиги.
	Битирувчиларга бўлган талаб даражаси.


Рақобатбардошликни таъминлаш бўйича барча ҳаракатлар мажмуасини мувофиқлаштирувчи орган сифатида маркетинг бўлиmidан фойдаланиш ва унга тегишли функцияларни бажаришни ишониб топшириш, бу борада олий

¹³ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

таълимнинг бозор конъюнктурасини таҳлил қилиш ва ОТМнинг ўз рақобатдошлигини баҳолаш, унинг даражасини кўллаб-қувватлаш ёки ошириш дастурларини ишлаб чиқиш, шунингдек, олинган натижаларни мониторинг қилиш назарда тутилган.

ОТМ ва маркетинг фаолияти биргаликда қуйидаги талабларга жавоб берадиган, унинг рақобатбардошлигига таъсир даражасини аниқлашга имкон берадиган ёндашув рақобатбардошликни таъминлаш тизимини ишлаб чиқишда методологик асос ҳисобланади: биринчидан, ОТМ рақобатбардошлигини оширишни таъминлайдиган энг муҳим кўрсаткичларга асосланади; иккинчидан, рақобатбардошлик даражасини баҳолаш бўйича олинган натижалар унинг таркибий қисмлари ОТМ маркетинг фаолиятига таъсир этиш даражасини аниқлаш кесимида шакллантирилади; учинчидан, баҳолаш натижалари асосида мос келувчи бошқарув қарорлари ишлаб чиқилади.

Рақобатбардошликни таъминлаш жараёнини такомиллаштиришга унинг асосий элементлари гуруҳини, олий таълим бозорида рақобат кураши қатнашчиларини аниқлаш, рақобатчилар рақобатбардошлигини баҳолаш, тавсифловчи кўрсаткичлар йиғиндисини мониторинг қилиш, минтақадаги ўхшаш таълим муассасалари рейтингда ОТМнинг мавқеини аниқлаш учун рақобатчиларни таққослаш ва шу асосда ОТМ фаолияти самарадорлигига ташкилий-иқтисодий чора-тадбирлар таъсири қисмлари ташкил қиладиган, уларга мос келувчи механизм ишлаб чиқиш ҳисобига эришилади (2-расм).



2-расм. ОТМ рақобатбардошлигини таъминлаш механизми¹⁴

¹⁴ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Замонавий олий таълим бозори рақобат шароитида биринчи ўринга рақобатли устунликлар яратиш ва ошириш бўйича доимий ишлар олиб бориш чиқади, уларни кучайтириш учун рақобатбардошликни самарали бошқаришнинг амалий аҳамияти фаоллаштирилади. Шу билан бирга, рақобатбардошликни бошқаришнинг асосий мақсади ОТМнинг рақобатбардош устунликларини яратиш, қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш ҳисобига уни такомиллаштириш эканлигига эътибор қаратилади.

Рақобатбардошликни бошқариш жараёнларини амалга ошириш учун асосий дастак сифатида маркетингга йўналтирилган ёндашув қўлланилиши керак. Бозор талабларини тезкор ақс эттирадиган ва ушбу талабларга жавоб берадиган, маркетингга асосланган бошқарув ОТМда асосий мақсади барқарор рақобатли устунликни таъминлаш ҳисобланган ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишни кўзда тутди. Булар асосий рақобатли устунликларга эришиб, маркетинг тизими элементларини доимий қайта кўриб чиқишга интилишда намоён бўладиган фойдалироқ бозор позицияси учун курашиш заруратини юзага келтиради.

Шу сабабли тадқиқотда ОТМ рақобатбардошлигини таъминлаш механизмида рақобатбардошликни шакллантиришнинг ташқи муҳит объектив ва субъектив омиллари, рақобатчи ОТМлар рақобатбардошлигини баҳолаш, рақобатбардошлик мониторингини ўтказиш, асосий рақобатчилар рақобатбардошлигини қиёсий баҳолаш, ОТМ рақобатбардошлигини таъминлаш, самарадорлигини баҳолаш илмий тадқиқ этилиб, зарурий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таклиф этилаётган механизмнинг асосий элементлари ОТМлари рақобатбардошлигини бошқариш ва бунинг учун зарур воситаларни аниқлаш, шунингдек, амалдаги рақобатбардошлик даражасини ва уни таъминлаш самарадорлигини баҳолаш ҳисобланади.

Тадқиқотда республикамиз ҳудудларида таълим хизматлари бозорини ривожланиши ва бошқаришни ўзига хос жиҳатлари амалиётда кенг фойдаланиб келинаётган SWOT-таҳлил асосида очиқ берилган (6-жадвал).

Олий таълим хизматлари бозорида рақобатбардошликни оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизми олий таълим миқёсидаги умумий ҳамда ҳар бир кадр фаолияти кесимидаги индивидуал-аниқлаштирилган даражаларда табақалаштирилган стратегик режалаштириш асосида такомиллаштирилган.

SWOT-таҳлил стратегик режалаштириш усули ҳисобланиб, муассасанинг ички ва ташқи муҳитлардаги мавжуд омилларини аниқлашга йўналтирилган. Улар тўртта категорияга ажратилади, яъни Strengths (кучли томонлари), Weaknesses (заиф томонлари), Opportunities (имкониятлари) ва Threats (хавф-хатарлари).

Таҳлилларимизга кўра, таълим хизматлари бозорини бошқаришда кучли томонлари билан бирга кучсиз томонлари ҳам мавжуд экан, жойларда таълим соҳасидаги бошқарув ва хўжалик субъектлари раҳбарлари бўш томонларга жиддий эътибор беришлари керак, ақс ҳолда қутилган иқтисодий самарадорликка эришиб бўлмайди. Натижада миллий таълим хизматлари фаолияти иқтисодий ривожланишнинг омили эмас, балки унинг тескарасига айланиши мумкин.

Ўзбекистонда таълим хизматлари бозорининг SWOT таҳлили¹⁵


Кучли томонлари	Кучсиз томонлари
<p>1.Таълим объектлари мавжуд бўлган ҳудудларнинг юқори географик ва табиий салоҳияти;</p> <p>2. Таълим объектларида турли маданий-маиший ва дам олиш хизматларининг мавжудлиги;</p> <p>3. Таълим хизматларидан мақсадли фойдаланиш учун ўсиб бораётган реал талабнинг мавжудлиги;</p> <p>4.Таълим хизматлари соҳасини ривожлантиришга ҳукуматнинг алоҳида эътибор қаратаётганлиги ва унинг инвестиция сифатида эътироф этилиши;</p> <p>5.Хавфсизлик нуқтаи назаридан мамлакатнинг тинч, осойишталиги ва инсон дахлсизлигининг таъминланганлиги.</p>	<p>1.Мамлакатимиз ва унинг ҳудудларида таълим соҳасидаги мавжуд юқори салоҳиятдан максимал даражада фойдалана олмаслик;</p> <p>2.Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулотида ва иш билан бандликда таълим соҳаси улушининг жуда пастлиги;</p> <p>3.Таълим соҳасига инвестициялар жалб этишнинг паст даражадалиги;</p> <p>4.Таълим хизматларини таклиф этувчи объектлар жойлашган ҳудудларда зарурий инфратузилмалар ва кластерларнинг етарли даражада шаклланмаганлиги;</p> <p>5.Кўрсатилаётган таълим хизматлари учун нархларнинг хизматлар сифатига номуносиблиги.</p>
Имкониятлар	Хатарлар
<p>1.Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўналишлари учун таълим бозорини ривожлантириш тенденцияси ҳамда таълим соҳасини ривожлантириш бўйича давлат дастурлари ва чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилганлиги;</p> <p>2.Таълим соҳасидаги инвестицион муҳит ва инвестицион жозибadorликни ошириш имкониятлари;</p> <p>3.Таълим хизматлари кўрсатиш географиясини ҳудудлар бўйича кенгайтириш имкониятлари;</p> <p>4.Янги кувватларни ишга тушириш ва филиалларни шакллантириш асосида янги иш ўринларини яратиш имкониятлари.</p> <p>5. Олий таълим хизматлари бозорида рақобатбардошликни оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмини ишлаб чиқиш;</p> <p>6. Ҳар бир кадр фаолияти кесимидаги индивидуал-аниқлаштирилган даражаларда табақалаштирилган стратегик режалаштириш асосида такомиллаштириш имкониятлари.</p>	<p>1.Жаҳон таълим хизматлари бозори билан боғлиқ иқтисодий сиёсатнинг ўзгариши;</p> <p>2.Халқаро ахборот тизимларига кўшилиш натижасида халқаро бозордаги етакчи таълим хизматлари бозори билан рақобатбардошликнинг кучайиб бораётганлиги;</p> <p>3.Рақобатчиларнинг пайдо бўлиши натижасида хизматлар ва даромадларнинг рақобатчилар ўртасида тақсимланиши;</p> <p>4.Жаҳонда таълим хизматлари бозорида талаб ва таклиф омилининг ўзгариши, нарх конъюнктурасидаги ўзгаришлар, сифатли хизмат кўрсатиш учун стандарт ва талабларнинг доимий равишда ўзгариши ва ҳ.к.</p>

Ўзбекистоннинг таълим хизматлари бозорида рақобатбардошликни ошириш борасида ҳукумат раҳбарияти ва маҳаллий ҳокимият органлари, хусусий сектор ва халқаро ташкилотлар амалга оширадиган тадбирлар режасини ишлаб чиқишда эътиборга олиниши муҳим аҳамият касб этади.

¹⁵ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Маҳаллий таълим хизматлари бозорининг иштирокчилари, кўпинча, таълим хизматларига бўлган талабнинг аниқ хусусиятларини, истеъмолчилар (талабалар) эҳтиёжини қондириш учун қандай хизматлар таклиф этиш лозимлигини билишмайди. Хизмат турини таклиф этаётган муассаса истеъмолчи ва унинг талаби ҳамда эҳтиёжини аниқ билган тақдирдагина талабга таъсир эта олиши мумкин.

Тадқиқотда «Қийматга йўналтирилган ёндашув» нуқтаи назаридан асосий мезонлар сифатида иккита баҳолаш тоифаси ажратиб кўрсатилган: «ОТМнинг бозор субъекти сифатида қиймати» ва «ОТМ фаолияти маҳсулоти қиймати» (3-расм).



3-расм. ОТМ рақобатбардошлик мезонлари тизими¹⁶

ОТМ қиймати унинг икки мезон – бозорнинг рақобат муҳити ва ОТМ рақобат мавқеи таъсири остида шаклланадиган олий таълим бозорининг рақобатли позициялари билан белгиланади. Бозор субъекти фаолияти маҳсулоти иқтисодий қиймати бу маҳсулотни харид қилиш ва ундан фойдаланиш натижасида мижоз оладиган фойдали самарани ифодалаш сабабли унинг қиймат мезони рақобатбардошликни баҳолашга ўзгаради.

ОТМ фаолияти маҳсулотининг қиймати ўқитиш жараёни ва унинг якуний натижалари жалб этувчанлигини истеъмол нуқтаи назаридан баҳолаш билан белгиланади ва шу тариқа таълим хизматлари рақобатбардошлиги ҳамда битирувчилар рақобатбардошлигини шакллантиради. Ваҳоланки, бу орқали олий таълим бозорида рақобат муҳити, ОТМнинг рақобатбардош мавқеи,

¹⁶ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

таълим хизматлари рақобатдошлиги ва битирувчилар рақобатдошлигини таъминлайдиган мезонлар тизими шакллантирилди. Ундан ОТМнинг барқарор ривожланиши учун рақобатбардош кадрлар тайёрлашни бошқариш стратегиясини ишлаб чиқишда фойдаланилади. Унинг даражаси натижаловчи характерга эга. Бир-бирини тўлдирувчи кўрсаткичларни қўллаш асосида баҳоланиши мумкин бўлган рақобатбардошликни ошириш йўналишини белгилайди.

ОТМдаги ички жараёнларнинг мураккаблиги, хилма-хиллиги ва турли йўналишларни ҳар қандай универсал кўрсаткич билан тавсифлаб бўлмайди. Шу сабабли олинadиган натижалар тўлиқ ва ишончли бўлиши учун ушбу мезонларни тавсифловчи бир-бирини тўлдирдиган кўрсаткичлар ажратилган ва гуруҳланган. Уларнинг мувозанатли йиғиндиси ОТМ рақобатдошлигини ҳар томонлама баҳолашга имкон беради, ички захираларни ва ютуқларни аниқлаш, сафарбар қилиш ва мониторинг ахборот базасини шакллантириш эса зарурий воситаларини пировардида энг фойдали рақобат позициясини ифодалайди.

Олий таълим муассасаларида рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг стратегик бошқарув услуги таълим хизматлари ва меҳнат бозоридаги узоқ муддатли, ўзаро манфаатли ҳамда қиймат яратишга йўналтирилган ҳамкорлик муносабатларини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш бўйича таклифлар берилган.

Таклиф этилаётган ёндашув қуйидагиларни ўз ичига олади: 1) ички ва ташқи баҳолашни ҳисобга олиш (маълумот тўплаш учун фойдаланиладиган ахборот манбаларига мувофиқ); 2) сифат ва сон кўрсаткичларини ҳисобга олиш (танланган баҳолаш усулига мувофиқ); 3) истеъмолчилар фикрига ва баҳолашга бир нечта қатнашчилар гуруҳини жалб қилишга йўналтирилганлик (таълим хизматлари бозори ва меҳнат бозори); 4) якуний ҳисобда натижаларнинг интеграцияланган қийматларини олиш (4-расм).

Олий таълим муассасаларининг маркетинг бошқаруви улкан салоҳиятга эга бўлиб, сезиларли иқтисодий самара воситасида ифодаланиши мумкин ва лозим. Чунки ушбу концепцияни ривожлантириш мавжуд маркетинг салоҳиятидан ҳам, ОТМ бошқарув салоҳиятидан ҳам максимал даражада фойдаланишни назарда тутди. Шундай экан, маркетинг бошқаруви концепциясини ишлаб чиқишда ОТМнинг нафақат маркетинг мақсадлари, балки замонавий мақсадлари, барча функционал таркиблари вазифалари ва стратегиялари ҳам мўлжал бўлиб хизмат қилиши лозим.

ОТМларни бошқаришда маркетинг ёндашувини дунёқараш концепцияси сифатида қўллашга келсак, у барча фаолият турларини мувофиқлаштиришга йўналтирилган расмий тартиб-қоидаларни ишлаб чиқиш, тегишли менежмент фалсафаси ва маркетинг маданиятини шакллантиришни, ички коммуникация тизимини ривожлантиришни ва маркетингни бошқариш тамойилларини амалга оширишни таъминлайдиган бошқа тадбирларни ўз ичига олади.

Тадқиқотда узоқ муддатли истикболда рақобатбардошликни барқарор ошириш зарурати ОТМ менежменти олдига эришилган рақобатли устунликларни шакллантириш ва мустаҳкамлаш учун маркетингни бошқариш имкониятларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги масаласини қўяди. Бу эса

уларнинг максимал даражада қайтишини таъминлаш учун қийматли ёндашувдан фойдаланишни долзарблаштиради. Маркетинг бошқаруви томонидан тақдим этилаётган имкониятлар ОТМнинг қиймат яратувчи фаолиятини бажариш усуллари ўзгартириш ёки тўлдириш ва рақобатли устунликни сақлаш ва шакллантириш учун асос бўлиб хизмат қиладиган улар ўртасидаги боғлиқлик хусусиятини ўзгартириш имконини яратади.



4-расм. ОТМнинг маркетинг бошқаруви концепцияси модели¹⁷

ОТМ фаолияти қийматли йўналишларининг ўзаро алоқалари биз тузган матрицаси (7-жадвал), эҳтимолий уйғунликлар ва ўзаро алоқаларни ҳисобга олган ҳолда, таклиф этилган манбалар ҳисобига рақобатли устунликларни шакллантириш учун ОТМда мавжуд салоҳиятни аниқлашга имкон берди.

¹⁷ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Матрицанинг бош диагонали фаолият йўналишлари бир-бири билан кесишадиган вазиятни акс эттиради. ОТМнинг фаолият кўрсатиши ва ривожланиши жараёнида ушбу бўлимлар фаолияти самарадорликни ошириш орқали бошқалар билан тегишли алоқани ўрнатмасдан маълум бир йўналишда амалга ошириладиган такомиллаштириш орқали эришиладиган потенциал рақобатли устунликларга мос келади. Кўриб чиқилган муаммолар нуқтаи назаридан асосий диагоналнинг ҳар бир бўлими бунга эришиш учун маркетинг бошқарувидан қандай фойдаланиш мумкинлигини таҳлил қилади. Матрицанинг қолган бўлимлари ОТМнинг ҳар бир фаолияти маркетинг бошқаруви ёрдамида бошқаларга қандай ёрдам бериши мумкинлигини акс эттиради.

7-жадвал

ОТМ фаолияти қийматли йўналишларининг ўзаро алоқалар матрицаси¹⁸

Бошқа фаолият йўналишларига кўмак берадиган фаолият қийматли йўналишлари	Бошқа фаолият йўналишларидан кўмак оладиган фаолият қийматли йўналишлар									
	Маркетинг фаолияти	Таълим фаолияти	Илмий-тадқиқотчилик фаолияти	Бошқарув фаолияти	Бюджетдан ташқари фаолият	Халқаро фаолият	Кадрлар таъминоти	Моддий-техника таъминоти	Молиявий таъминот	
	Маркетинг фаолияти	Z ₁	Y ₁	X ₁	W ₁	V ₁	U ₁	T ₁	S ₁	R ₁
	Таълим фаолияти	Z ₂	Y ₂	X ₂	W ₂	V ₂	U ₂	T ₂	S ₂	R ₂
	Илмий-тадқиқотчилик фаолияти	Z ₃	Y ₃	X ₃	W ₃	V ₃	U ₃	T ₃	S ₃	R ₃
	Бошқарув фаолияти	Z ₄	Y ₄	X ₄	W ₄	V ₄	U ₄	T ₄	S ₄	R ₄
	Бюджетдан ташқари фаолият	Z ₅	Y ₅	X ₅	W ₅	V ₅	U ₅	T ₅	S ₅	R ₅
	Халқаро фаолият	Z ₆	Y ₆	X ₆	W ₆	V ₆	U ₆	T ₆	S ₆	R ₆
	Кадрлар таъминоти	Z ₇	Y ₇	X ₇	W ₇	V ₇	U ₇	T ₇	S ₇	R ₇
	Моддий-техника таъминоти	Z ₈	Y ₈	X ₈	W ₈	V ₈	U ₈	T ₈	S ₈	R ₈
Молиявий таъминот	Z ₉	Y ₉	X ₉	W ₉	V ₉	U ₉	T ₉	S ₉	R ₉	

Таҳлил натижаларига кўра, барча қиймат блоклари учун унинг таркибий қисмлари йиғиндисини яхлит баҳолаган ҳолда, ОТМлари рақобатдошлигини таъминлашнинг умумий самарадорлигини ҳисоблаш таклиф этилган. Кейинги

¹⁸ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

даврларда улардан ҳар бири учун баҳолаш коэффициентининг ўзгариши олдинги таққослаш давридаги коэффициентни қийматига нисбати сифатида аниқланади.

Натижада, ушбу услубий ёндашув ОТМнинг бутун қиймат занжирида рақобатдошликни таъминлаш самарадорлигини таҳлил қилиш ва унинг даражасидаги ўзгариш динамикасини комплекс баҳолашга имкон беради.

Таклиф этилган методологик воситалар минтақавий олий таълим бозорида синовдан ўтказилди. Синов Бухоро ва Навоий вилоятлари ОТМларининг тегишли даражалари ўқитувчилари, етакчи мутахассислари ва менежерлари эксперт сўрови (беш балли шкала бўйича) шаклида ўтказилди. Унда ҳар бир фаолият йўналиши ОТМнинг рақобатдошликда асосий устунликларидан фойдаланишни ва ривожлантиришни таъминлайдиган фаол рақобат позициясини эгаллаши учун нисбий қиймати даражаси билан баҳоланди (8-жадвал).

8-жадвал

Минтақавий олий таълим бозорида ОТМлар рақобатбардошлигини тадқиқ этишнинг қиёсий натижалари¹⁹

Қиймат блоклари	Тадқиқ этилган олий таълим муассасалари				
	БухДУ	БухМТИ	БухДТИ	НавПИ	НавДКИ
1. Маркетинг фаолияти	3,5	3,3	3,8	2,9	2,8
2. Таълим фаолияти	4,57	4,71	4,3	4,2	4,2
3. Илмий-тадқиқотчилик фаолияти	4,4	4,2	4,1	3,9	3,7
4. Бошқарув фаолияти	4,1	3,82	3,65	3,75	3,6
5. Бюджетдан ташқари фаолият	4,3	4,3	4,1	4,17	4,1
6. Халқаро фаолият	4,21	4,4	4,57	3,9	3,66
7. Кадрлар таъминоти	4,3	4,1	3,87	3,9	3,5
8. Моддий-техника таъминоти	3,9	3,87	3,6	3,62	3,6
9. Молиявий таъминот	3,8	3,67	3,57	3,46	3,4
10. Умумий баҳолаш коэффициенти	4,12	4,04	3,95	3,67	3,62

Услубиятни қўллаш ҳар бир ОТМдаги фаолиятнинг ҳақиқий ҳолатини, мумкин бўлган ўсиш йўналишлари ва ресурслардан самарасиз фойдаланиш қисмларини, барқарор рақобатли устунликларни белгиловчи аҳамиятли ҳаракатларни аниқлашга ва уларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини асослашга имкон беради.

¹⁹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

ОТМларининг маркетинг бошқаруви концепциясини ишлаб чиқиш, уни қўллаш ва татбиқ этиш самарадорлик асосланишини талаб этади. Уни ҳар томонлама баҳолаш мақсадга мувофиқ. Бу ўринда таъкидлаш жоизки, айни пайтда мавжуд ресурслар салоҳиятидан оптимал фойдаланиш тадқиқотнинг назарий ва амалий жиҳатлари бўйича энг кам ривожланган йўналиш ҳисобланади.

Бухоро давлат университети маркетинг самарадорлигининг қиёсий таҳлили барқарор ўсиш тенденциясини кўрсатди. Маркетинг харажатлари таркибидаги операцион харажатлар улушининг умумий ўсиш суръати ушбу кўрсаткичнинг ўзгариши бўйича ижобий тенденцияни таъминлади.

Олинган натижалар университетнинг маркетинг фаолияти самарадорлигини, унинг ўзини ўзи таъминлаши фойдалилигини миқдорий жиҳатдан асослашга имкон берди.

Тўлиқлик ва комплексликка эришиш учун баҳолаш тизими иккита таркибий қисм орқали амалга оширилди: маркетинг бошқарувини амалга ошириш самарадорлиги ва уни ташкил этиш самарадорлиги.

Маркетинг бошқарувини амалга ошириш самарадорлигини баҳолаш мезонлари учта даража бўйича гуруҳланган:

фаолиятни бошқариш: университет менежменти бозор билан коммуникатив муносабатларни ривожлантиришда очиқ тизим сифатида қабул қилинади;

функцияни бошқариш: менежментнинг барча функциялари ўзаро узвий боғлиқлигида «касбий фаолият эҳтиёжларидан бозор эҳтиёжларига» тамойилини амалга ошириш;

талабни бошқариш: барча тоифадаги мижозлар талабини яратиш, мувофиқлаштириш, қондириш.

Олинган маълумотларни таҳлил қилиш асосида ОТМнинг маркетинг бошқарувини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг тўртинчи боби **«Олий таълим тизимида рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг стратегик бошқарув механизмини такомиллаштириш»** деб номланиб, унда ОТМларида рақобатбардош кадрлар тайёрлаш тизимининг замонавий бошқарув самарадорлигини умумлашган кўрсаткичлар асосида баҳолаш, олий таълим муассасаларида рақобатбардош кадрлар тайёрлаш тизимининг кўп омилли эмпирик модели, стратегик менежмент ёндашувлари асосида олий таълим муассасалари бошқарувига таъсир қилувчи омилларни баҳолаш йўналишлари ёритиб берилган.

Олий таълим муассасалари стратегик бошқарув жараёни самарадорлигини эришилган амалий натижаларни таҳлил қилиш асосида баҳолаш, бир қатор муаммоларни ҳал этиш, уларни такомиллаштириш лозим (5-расм).

ОТМларини стратегик бошқариш самарали амалга оширилса, қуйидаги натижаларга эришиш мумкин:

стратегик бошқарув жараёни билан боғлиқ мезонлар тўғри танланганда эришилган амалий натижаларини таҳлил қилиш асосида самарадорликни

баҳолаш ҳамда натижа ва бошқарув қарорларини қабул қилиш орасидаги тесқари алоқани самарали йўлга қўйиш мумкин;

стратегик бошқарув жараёни самарадорлигини баҳолаш йўллари амалий фаолият натижаларини баҳолашнинг кўп мезонли ва комплекс баҳолаш усуллари қўлланганда бошқарув жараёни самарадорлигини баҳолаш ишончли натижаларни беради;

кафедралар, факультетлар амалий фаолияти натижаларини таҳлил қилиш асосида стратегик бошқарув жараёни самарадорлигини баҳолаш улар фаолиятининг фаоллашувига, самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш, рақобат муҳити кучайишига ижобий таъсир қилади;

стратегик бошқарув самарадорлиги тушунчаси стратегик бошқарув тизими ва стратегик бошқарув жараёни самарадорлигининг ўзаро таъсири натижасида юзага келади;

стратегик бошқарув жараёни самарадорлиги ҳам стратегик бошқарув самарадорлигининг хусусий ҳоли бўлиб, субъектнинг бошқарилувчи объектга таъсир кўрсатиш натижасини ифодалайди ва бу ўз навбатида стратегик бошқарув самарадорлигини миқдор ва сифат жиҳатидан баҳолаш имконини беради.



5-расм. Олий таълим муассасалари стратегик бошқарув жараёни самарадорлигини баҳолаш²⁰

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, олий таълим тизимида стратегик бошқарув тизимини баҳолашда нафақат ички, балки ташқи самарадорликни баҳолаш билан тармоқ самарадорлиги тўлиқ акс эттирилиши мумкин.

²⁰ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Стратегик бошқарув тизимининг ташқи самарадорлиги жамият, давлат ва иш берувчиларнинг мақсадига эришувини назарда тутди.

Худудларда рақобатбардош кадрлар тайёрлаш тизимининг стратегик бошқарув механизмини такомиллаштириш, бошқарув самарадорлигини ва фаолиятини холис баҳолаш бу борадаги фаолиятни умумлаштиришда алоҳида аҳамият касб этади. Бинобарин, танланган икки худуд Бухоро ва Навоий вилоятларининг ОТМлари бошқарув жараёни самарадорлигини баҳолашда кўп мезонли таҳлил усулини қўллаш, ОТМлари бошқарув тизимини янгича усуллар билан бойитишга хизмат қилади.

ОТМлари олдида турган асосий вазифалар халқаро ва давлат стандартлари асосида рақобатбардош кадрлар тайёрлаш ва истиқболда таълим ислохотларини кенгайтирилган ҳолда олиб бориш, рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг сифат менежментини таъминлашдан иборат. Шунга асосланган ҳолда биз ОТМлари битирувчиларининг рақобатбардошлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг ишга жойлашиш сонининг прогнозини ишлаб чиқдик (9-жадвал).

9-жадвал

Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг ишга жойлашиш сонининг прогнози²¹

Йиллар	ОТМлари битирувчиларидан ишга жойлашганлар (ишга йўлланма олганлар ва мустақил ишга жойлашганлар биргаликда келтирилган) сони, киши	ОТМларининг бакалаврият таълим йўналишларига қабул қилинганлар сони, киши	ОТМларини битирган мутахассислар сони, киши	Фаол корхона ва таъкилотларнинг сони (деҳқон ва фермер хўжаликларисиз), минг киши	ОТМ лари ўқитувчилари сони (ўқув йили бошида, киши)
2019	56960	120400	67173	323,5	27947
2020	57943	124651	68708	335,3	28273
2021	58927	128901	70244	347,1	28598
2022	59911	133152	71780	358,9	28924
2023	60894	137402	73316	370,7	29249
2024	61878	141652	74852	382,5	29575
2025	62861	145903	76387	394,3	29900

Тадқиқот натижасига кўра Ўзбекистон Республикаси ОТМлари, шу жумладан Бухоро ва Навоий вилоятлари ОТМлари битирувчиларининг ишга жойлашиши кўрсаткичлари прогнозлаштирилди. Ўзбекистон Республикаси ОТМ лари битирувчиларининг ишга жойлашишлари сони 2020 йилда 2019 йилга нисбатан 1.017 бараварга, 2025 йилга келиб эса 1.104 бараварга ошганлиги аниқланди.

²¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Хулоса шуки, бугунги кунда иқтисодиётда ва жамиятда юз бераётган жараёнларга, барча ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларга ОТМлар муносиб жавоб бериши керак. Бир томондан иқтисодиётнинг меҳнат салоҳиятини шакллантириш ва тўлдириш манбаи, иккинчи томондан хизмат кўрсатиш соҳасининг энг муҳим сегментларидан бири бўлган таълим муассасаларининг интеграл самарадорлигини оширишдир. Ушбу ўзгаришларнинг асосий ғояси миллий иқтисодиётни барча тармоқлари ва секторларини рақобатбардош кадрлар билан юқори даражада таъминлашга хизмат қилишига олиб келади.

ХУЛОСА

Амалга оширилган тадқиқотлар натижасида олий таълим муассасаларининг таълим хизматларини кўрсатиш ва бошқариш стратегиясини такомиллаштириш бўйича қуйидаги хулосалар келиб чиқади:

1. Олий таълим муассасаларининг таълим хизматлари сифатини бошқариш бўйича замонавий вазифаси, истеъмолчиларни қаноатлантирадиган ва хорижий мамлакатларнинг ОТМларига нисбатан рақобатда бўлган, сифатли кадрларни етиштириш ҳисобланади.

2. Хизмат кўрсатиш стратегиясининг асосий элементларидан бири таълим хизматларини кўрсатиш кўламини кенгайтиришдир. Анъанавий таълим хизматларини кўрсатиш кўлами бўйича қабул қилинган замонавий қарорларда асосий жиҳатларга қуйидагилар киради: истиқболдаги талабни баҳолаш, муносиб бозорларнинг ҳаётий давр босқичлари тўғрисида маълумотлар ва асосий рақиблари бўйича берилган маълумотлар шулар жумласидандир.

3. Олий таълим муассасалари фаолиятининг жалб этувчанлигини комплекс баҳолаш услубияти таълим рақобатбардошлигини тизимли ёндашувлари, қиёсий таснифлашлар ҳамда интеграл кўрсаткичларни баҳолаш асосида такомиллаштирилган бўлиб, улар таълим хизматлари бозорида ОТМларнинг рақобатбардошлигини ошириш ва ривожланишининг корпоратив стратегиясини ишлаб чиқиш имконини яратган.

4. Тадқиқотда олий таълим тизимида рақобатбардош кадрларни тайёрлаш соҳасида хорижлик ва республикамиз олимлари томонидан бажарилган илмий тадқиқот ишлари таҳлил қилиниб, республикамизнинг Бухоро ва Навоий вилоятлари мисолида олий таълим тизимида рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг замонавий бошқарув механизмини такомиллаштиришда ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар мавжудлиги аниқланди ҳамда уларни ҳал этишнинг ечимлари асослаб берилган.

5. ОТМларга профессор-ўқитувчиларни ишга олишда саралаш ва танлаш энг муҳим босқичлардан ҳисобланиб, унга алоҳида аҳамият бериш ҳамда бошқарув механизмини дунёнинг ривожланган давлатларида жорий этилган тартибда амалга ошириш, ривожланиш даражаси юқори бўлган Буюк Британия, АҚШ, Япония, Сингапур, Жанубий Корея давлатлари олий таълим тизимидаги илғор тажрибаларни минтакалар олий таълим муассасаларининг хусусиятларига мослаштирган ҳолда улардан самарали фойдаланиш тавсия этилган.

6. Олий таълим муассасалари рақобатбардошлигини ташқи муҳит омиллари, рақобатбардош устунликларни яратиш, қўллаб-қувватлаш, ривожлантириш ҳамда самарадорлигини баҳолаш асосида бошқариш механизмини такомиллаштириш йўллари асослаб берилган.

7. Тадқиқотда тизимли ёндашувларни қўллаш ҳамда таълим сифатини интеграллашган кўрсаткичлар орқали баҳолаш ҳисобига олий таълим муассасалари бошқарувининг назорат механизми такомиллаштирилган. Бу эса ОТМларда бошқарувнинг назорат механизмини интеграл баҳолаш имконини кенгайтирган.

8. Бухоро ва Навоий вилоятларидаги олий таълим муассасаларида рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, уларнинг бошқарувини самарали ташкил этиш бўйича аниқ мақсадга қаратилган ишлар олиб бориш, ОТМларининг фаолиятини яхшилаш, йўналишларни танлаш, ҳудудларда зарур бўлган янги йўналишларни очиш бўйича илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

9. Олий таълим муассасалари рақобатбардошлигини бошқариш таълим хизматлари бозоридаги рақобатли (бозор субъекти сифатидаги рақобат муҳити ва ОТМ рақобат мавқеи) позицияларни қўллаш асосида баҳоланган.

10. Минтақада фаолият юритаётган корхона, ташкилот ва муассасалар томонидан олий маълумотли малакали кадрларга бўлган истиқболдаги эҳтиёжни ўрганиш, кадрлар стратегиясини ишлаб чиқиш, таълим муассасаларида таклиф этилган йўналишларни очиш, шунингдек, эҳтиёж кам бўлганларини камайтириш бўйича таълим тизимида кадрлар тайёрлашнинг замонавий бошқарув механизмини такомиллаштириш бўйича берилаётган илмий таклиф ва тавсиялар асосланди.

11. Олий таълим бозорида рақобатчи муассасалар самарадорлигини баҳолаш, натижаларини қиёсий таҳлил қилиш, замонавий йўналишларини белгилаш мақсадида улар фаолиятининг бошқарув самарадорлигини комплекс баҳолаш тизими таклиф этилган.

12. Минтақаларда рақобатбардош кадрларни тайёрлаш ва уларни иш ўринлари билан таъминлаш масалаларини самарали ҳал этишда мутахассисликлар бўйича эҳтиёжни аниқлаш учун корхона ва ташкилотлар ҳамда тармоқлар бўйича мониторингни юритиш, ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш, шунингдек, таълим муассасалари йўналиши, мутахассисликларга ўзгартириш ва тузатишлар киритиш, зарур ҳолатларда янги йўналишлар очиш ва ҳудуддаги таълим муассасаларига қабул квоталари параметрларини белгилаш зарур.

13. Тадқиқот натижаларига кўра, Ўзбекистонда таълим соҳасини бошқаришнинг замонавий йўналишлари қуйидаги 2 та йўналишда бўлиши мақсадга мувофиқ: минтақаларда халқаро таълим йўналишини асосий жиҳатлари, тамойиллари, замонавий бошқарувини такомиллаштириш; олий таълимнинг барқарор ривожлантириш ва бошқарувини инновацион асосда ташкил этиш ҳамда синергетик самарадорлигини ошириш.

14. Кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш учун соғлом рақобат шароитида олий таълим тизимини замонавий бошқариш ва ўқув жараёнларини фаоллаштиришнинг ўқув-меъёрий ҳужжатларини ишлаб чиқиш, олий таълим

муассасаларида рақобат муҳитини шакллантириш механизмини такомиллаштириш, таълим сифатини ошириш ва уни молиялаштиришнинг янги механизмини жорий этиш зарур.

15. Минтақавий олий таълим хизматлари бозорида рақобатчи муассасалар самарадорлигини қиёсий таҳлил қилиш мақсадида олий таълим муассасалари бошқаруви самарадорлигини кўрсаткичлар тизими асосида комплекс баҳолаш услубиёти таклиф этилган.

16. Ҳудудларда рақобатбардош кадрлар тайёрлаш тизимининг стратегик бошқарув механизмини такомиллаштириш, бошқарув самарадорлигини ва фаолиятини ҳолис баҳолаш бу борадаги фаолиятни умумлаштиришда алоҳида аҳамият касб этади. Бинобарин, танланган икки ҳудуд Бухоро ва Навоий вилоятларининг ОТМлари бошқарув жараёни самарадорлигини баҳолашда кўп мезонли таҳлил усулини қўллаш ОТМлари бошқарув тизимини янгича усуллар билан бойитишга хизмат қилган.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА
DSc.03/30.12.2019.I.18.01. ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ САМАРКАНДСКОМ ИНСТИТУТЕ ЭКОНОМИКИ И СЕРВИСА**

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

КАХХОРОВ ОТАБЕК СИДДИКОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕХАНИЗМА УПРАВЛЕНИЯ
ПОДГОТОВКИ КОНКУРЕНТОСПОСОБНЫХ КАДРОВ
В СИСТЕМЕ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ
(на примере Бухарской и Навоийской областей)**

**08.00.05 – Экономика отраслей сферы услуг
08.00.13 – Менеджмент**

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора экономических наук (DSc)**

Самарканд – 2021

Тема докторской диссертации (Doctor of Science) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан под № В2020.4.DSc/Iqt200.

Диссертация выполнена в Бухарском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-сайте Научного совета (www.sies.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net.uz).

Научный консультант:

Хамидов Обиджон Хафизович
доктор экономических наук, профессор

Расмий оппонентлар:

Гуломов Саидахроп Саидахмедович
доктор экономических наук, академик

Очиллов Акрам Одвлович
доктор экономических наук, доцент

Алимова Машхура Тоирхоновна
доктор экономических наук, доцент

Етакчи ташиқлот:

Ташкентский государственный экономический университет


Защита диссертации состоится «26» февраля 2021 года в 10⁰⁰ часов на заседании разового научного совета на базе научного совета DSc.03/30.12.2019.I.18.01 по присуждению ученых степеней при Самаркандском институте экономики и сервиса. (Адрес: 140100, г. Самарканд, ул. Амира Тимура, 9. Тел.: (99866) 233-73-68; факс: (99866) 233-73-66; e-mail: sies_info@edu.uz)


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского института экономики и сервиса (регистрационный № 033. Адрес: 140100, г. Самарканд, ул. Амира Тимура, 9. Тел.: (99866) 233-34-76; e-mail: sies_info@edu.uz.


Автореферат диссертации разослан «11» 02. 2021 года.

(протокол реестра № 1 от «11» 02 2021 года).




М.Э. Пулатов
Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней, д.э.н.,
профессор


H.Э. Ибадуллаев
Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, к.э.н.,
доцент


M.М. Мухаммедов
Председатель научного семинара при
Научном совете по присуждению ученых
степеней, д.э.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В развитых странах потребность в подготовке квалифицированных кадров с высшим образованием растет как в количественном, так и в качественном отношении. В процессе активизации конкурентной среды при повышении эффективности научных исследований, улучшении качества подготовки кадров особую значимость представляет изучение вопросов результативного использования передовых инноваций, превращения современных знаний в ключевой фактор экономического роста. «При переходе к экономике, основанной на знаниях, сфера услуг (включая менеджмент) вырастет до 85%, а потребность в специалистах с высшим образованием увеличится более чем на 90%. Согласно исследованиям американских ученых, продуктивность человека с высшим образованием в 5 раз выше, чем у человека, не имеющего такого образования»¹. Совершенствование и обновление механизмов стратегического управления системой высшего образования, разработка путей и концепций повышения качества образования, использование мирового опыта в подготовке конкурентоспособных и зрелых кадров повышают актуальность данной проблемы.

В мировой практике организованы целевые научные исследования по обеспечению научных решений ряда проблем, связанных с эффективным управлением деятельностью ведущих участников рынка образовательных услуг – высших учебных заведений относительно процветания государства и развития общества. В данной сфере вопросы повышения рейтинга и конкурентоспособности высших учебных заведений, комплексного подхода к управлению подготовкой и трудоустройством конкурентоспособных кадров в соответствии с современными потребностями экономики в системе высшего образования, повышения качества образования, совершенствования оптимального управления и регулирования процессов, а также привлечения инвестиций, инноваций и технологий в процесс образования изучаются с особым интересом. Однако в исследованиях недостаточно освещены проблемы повышения потенциала и инвестиционной привлекательности высшего образования, повышения эффективности процесса стратегического управления системой образования за счет комплексного применения новых знаний, факторов, критериев и принципов стратегического управления.

В Узбекистане уделяется большое внимание стремительному развитию менеджмента системы высшего образования. В частности, «на основе дальнейшего совершенствования системы непрерывного образования, повышения потенциала качественных образовательных услуг, продолжения политики подготовки высококвалифицированных кадров в соответствии с современными потребностями рынка труда, внедрения международных стандартов оценки качества образования определены приоритетные задачи по повышению качества и эффективности деятельности высших учебных

¹ Преображенский Б.Г. Система подготовки менеджеров для государственной службы: концепция развития <https://www.science-education.ru/ru/article/view?id=1126>

заведений, трудоустройству, а также привлечению в сферу частного предпринимательства выпускников высших учебных заведений»². Эффективная реализация данных задач обуславливает разработку научных предложений и практических рекомендаций относительно совершенствования методов стратегического управления и разработки стратегий менеджмента подготовки конкурентоспособных кадров в высших учебных заведениях, определения оценки эффективности управления конкурентоспособностью высших учебных заведений и прогнозирования показателей перспективного развития данной сферы.

Настоящее диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, обозначенных в Законе Республики Узбекистан «Об образовании» (новая редакция) (2020 г.), Указах Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 17 февраля 2017 года «О Стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан», № УП-5847 от 8 октября 2019 г. «Об утверждении Концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года», № УП-6097 от 29 октября 2020 года «Об утверждении Концепции развития науки до 2030 года», № УП-6108 от 6 ноября 2020 года «О мерах по развитию сфер образования и воспитания, и науки в новый период развития Узбекистана», Постановлениях № ПП-2909 от 20 апреля 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования», № ПП-3151 от 27 июля 2017 года «О мерах по дальнейшему расширению участия отраслей и секторов экономики в повышении качества подготовки специалистов с высшим образованием», № ПП-3775 от 5 июня 2018 года «О дополнительных мерах по повышению качества образования в учебных заведениях и обеспечению их активного участия в проводимых комплексных реформах в стране», а также в других нормативных актах в этой сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I.»Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации³. Исследования по повышению качества и управлению подготовкой

² Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан». Сборник законодательных документов Республики Узбекистан. 2017 год, № 6.

³ Barrow Lisa, Rouse Cecilia Elena. «Financial Incentives and Educational Investment: The Impact of Performance-Based Scholarships on Student Time Use» Working paper #32 education research section princeton university august <http://arks.princeton.edu/ark:/88435/dsp01rf55z7823>; Markman Lisa, Rouse Cecilia Elena. «Technology's Edge: The Educational Benefits of Computer-Aided Instruction» WORKING paper # 27 princeton university education research section july 2008 <http://arks.princeton.edu/ark:/88435/dsp012v23vt42j>; Lavy Victor, Schlosser Analna. «Mechanisms and Impacts of Gender Peer Effects at School» Working paper #23 princeton university education research section july 2007 <http://arks.princeton.edu/ark:/88435/dsp01ks65hc24r>; Florian Findler, Norma Schunherr, Rodrigo Lozano and Barbara Stacherl. «Assessing the Impacts of Higher Education Institutions on Sustainable Development-An Analysis of Tools and Indicators» Published: 22 December 2018. <https://www.mdpi.com/2071-1050/11/1/59/pdf>; Prof Ewan Ferlie. «The 'Steering' of Higher Education Systems: A Public Management Perspective» CPSO, School of Management, Royal Holloway University of London. <https://spire.sciencespo.fr/.../musselin-ferlie-sun-intro-book-j.>; Paul Gibbs. «Using Data to Improve Higher Education» Global perspectives on higher education Volume 29.2014 Sense Publishers. Higher education worldwide is in a period of transition, affected by globalization,

конкурентоспособных кадров в системе высшего образования проводят ведущие мировые исследовательские центры и высшие учебные заведения, в том числе Принстонский университет (США), Лондонский университет (Великобритания), Оксфордский университет (Великобритания), Российский экономический университет им. Г.В. Плеханова (Россия), Ташкентский государственный экономический университет, Национальный университет Узбекистана, Бухарский государственный университет, Самаркандский государственный университет, Самаркандский институт экономики и сервиса (Узбекистан) и другие вузы.

Ряд научных исследований по повышению качества подготовки конкурентоспособных кадров в системе высшего образования дали опрделенные научные результаты, в том числе: предложен механизм финансово-экономической, социальной оценки для улучшения и управления качеством конкурентоспособных кадров в системе высшего образования (Университет Брэдфорда, Великобритания); усовершенствован механизм повышения качества подготовки и менеджмента кадров с учетом перспектив социально-экономического развития стран (Университет Принстона, США); выявлены факторы, влияющие на инновационный потенциал интеллектуального капитала и человеческих ресурсов, и оценен их масштаб воздействия на примере агропромышленных предприятий Европейского Союза (Вагенингенский университет и научно-исследовательский центр, Нидерланды). Предложена методология менеджмента подготовки конкурентоспособных кадров на основе обеспечения интеграции учебного, научно-исследовательского и инновационного процессов в высших учебных заведениях (Всемирный банк и ПРООН), разработан метод рейтинговой оценки охвата населения высшим образованием на региональном уровне (Российский экономический университет имени Г.В. Плеханова, Россия). Также, усовершенствована методология развития системы высшего образования посредством внесения инновационных факторов (Институт прогнозирования и макроэкономических исследований, Узбекистан).

В мировой системе высшего образования ведутся научно-исследовательские работы по управлению подготовкой конкурентоспособных кадров, в частности по следующим приоритетным направлениям: преобразование вузов в научные и культурные центры страны, интеграция высшего образования, цифровизация менеджмента деятельности высших

the advent of mass access, changing relationships between the university and the state, and the new technologies, among others. Global Perspectives on Higher Education provides cogent analysis and comparative perspectives on these and other central issues affecting postsecondary education worldwide. <https://www.sensepublishers.com/.../2148-using-data-to-impr.>; С. Жильцова. «Образование как фактор конкурентоспособности стран БРИКС» финансовая жизнь. – Москва, 2016. – С.82-93; Н.Г. Багаутдинова «Высшая школа сегодня и завтра: пути преодоления кризиса». Монография. kpfu.ru/docs/F943458841/6_Vsholl.pdf; Набиев Д.Х. Таълим соҳасидаги инвестицияларни молиялаштириш масалари (Ўзбекистон ўрта-махсус, касб-хунар тизими мисолида): иқтисод фан. номз. дисс... автореф. – Тошкент: ТДИУ, 2005. – 24 б.; Эргашев А.О. Таълим тизимининг иқтисодий бошқарув асосларини такомиллаштириш (ўрта-махсус, касб-хунар тизими мисолида): иқтисод фан. номз. дисс... автореф. – Тошкент: ТДИУ, 2006. – 24 б.; Захидова Ш.Ш. Олий таълим хизматлари бозорининг амал қилиш механизми самарадорлигини ошириш (Ўзбекистон материаллари асосида): иқтисод фан. номз. дисс... автореф. – Тошкент: ЎзМУ, 2012. – 26 б.

